

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА БИБИШ МУҲСИНОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

УДК: 811.512.133'373.7:398.9
(=512.133)

**Филология фанлари докторлик (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата доктора наук(DSc)по филологическим наукам

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on philological
science**

Жўраева Бибиш Мухсиновна

Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари

ва прагматик хусусиятлари3

Джураева Бибиш Мухсиновна

Лингвистические основы и прагматические свойства формирования

узбекских народных пословиц.....33

Djurayeva Bibish Mukhsinovna

Lingvistic bases and pragmatic features of the formation of uzbek

folk proverbs.....65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works69

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВА БИБИШ МУҲСИНОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИНГВИСТИК
АСОСЛАРИ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Fil127 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маматов Абдуғафур Эшонкулович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Элтазаров Жўлибой Данабоевич
филология фанлари доктори, профессор

Дадабоев Хамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Муҳиддинов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

А.Б.Пардаев,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол. ф. д.

А.Э.Маматов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф. д.

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида мақолларнинг лисоний мавқеи, шаклланиш манбалари, этимологиясини очиб бериш, уларнинг муайян бир халқ ҳаёти, дунёқарashi, анъаналари, урф-одатлари билан боғлиқлигини кўрсатиш ва бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Натижада паремиологик бирлик сифатида мақолнинг нафақат фольклоршунослик илми учун, балки тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам турли вазифаларни бажариши, структур-дискурсив жиҳатлари, ментал ва когнитив хусусиятлари бўйича қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Айни пайтда мазкур лисоний бирликларни когнитив, психологик, лингвомаданий, лингвопрагматик аспектларда тадқиқ этиш, уларнинг структур-семантик, бадий-эстетик жиҳатларини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарблигини сақлаб келмоқда.

Дунё тилшунослигида фразеологик ҳамда паремиологик бирликларнинг турли аспектлари: структур-семантик, лингвокультурологик, когнитив хусусиятлари, мақолнинг идиома, ибора, афоризм ва маталлар билан муносабати, лисоний ўрни, диахрон ва синхрон ҳолати ҳамда нутқдаги кўринишлари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Шундай бўлса-да, мақолларнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллар асосида шаклланиши борасида чуқур тадқиқ этилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Шу маънода мақолнинг бошқа паремик ва барқарор бирликларга муносабати масаласига ойдинлик киритиш, мақол пайдо бўлишининг лингвистик асосларини, коммуникатив-прагматик хусусиятларини очиб бериш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбек тилшунослигидаги сўнгги йиллар, яъни миллий қадриятларнинг тикланиш даври сўзловчидан тилни, айниқса, давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек адабий тилини чуқур эгаллашни; фикрни ихчам, асосли, образли ва таъсирчан шаклда ифодалашни тақозо этади. Шоир ва ёзувчи, нотик ва фасих, қари ва ёш борки, айтилаётган фикрини асосламоқчи ёки мустаҳкамламоқчи бўлса, албатта, мақолга мурожаат қилади. Мақол воситасида ифодаланган фикр, берилган жавобни тилнинг ҳеч бир воситаси алмаштира олмайди ёки мақол даражасида асослаб беролмайди. Бироқ ҳозирга қадар ўзбек тилшунослигида мақолларнинг лисоний мавқеи, шаклланиш манбалари, улар пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас. “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан бири”¹ сифатида белгиланган экан, бу мақолларга оид тадқиқотларнинг ҳам ҳозирги вақтда долзарб ва муҳимлигини яна бир қарра исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. – Б. 3.

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи².

Мақол ва ибораларни ўрганишга оид илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, (University of Oxford (Буюк Британия), Grasefield University, Universitat Trier (Германия), University of Verona (Италия), Indiana University, University of California (АҚШ), University of Santiago (Чили), La Sierra University (Бразилия), The University of Sydney (Австралия), Finish Akademy of Science (Финляндия), Universitas Tartuensis (Эстония), Czech Academy of Sciences (Чехия), European Phraseological Societu, Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Московский государственный лингвистический университет, Московский институт лингвистики (Россия)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида мақоллар қўлланилишининг у ёки бу аспектини ўрганиш бўйича қуйидаги илмий натижаларга эришилган: мақол ва ибораларнинг структур-семантик жиҳатлари очиқ берилган (Оксфорд университети, Буюк Британия; Финляндия Фанлар академияси, Финляндия); бадий-эстетик вазифалари ёритилган (Эстония фанлар академияси, Эстония; Саарланд университети, Германия; Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институти, Новгород давлат педагогика институти, Россия); мақол ва иборалардаги байналмилал ҳамда миллий хусусиятларнинг қиёсий таҳлили

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, [cheloveknauka.com](https://www.cheloveknauka.com), <https://www.sgu.ru>, <http://dSPACE.kpfu.ru/xmlui/handle/net/>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, <http://www.prlib.ru/item/>, iling-ran.ru/scholars/rumy, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-semanva> бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

амалга оширилган (Эрнст Мориц Арндт номидаги Грайсфальд университети, Германия; Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси Рус тили институти, Санкт-Петербург Давлат университети, Россия халқлар дўстлиги университети, Россия; Қозоғистон университети, Қозоғистон); мақол ҳамда ибораларга хос ментал хусусиятлар асослаб берилган (Индиана университети, Вермонт университети, Калифорния университети, АҚШ); паремаларнинг лингвопрагматик томонлари ўрганилган (Филология, журналистика ва маданиятлараро мулоқот институти, Белград давлат миллий тадқиқот университети, Россия Фанлар академияси А.М.Горький номидаги халқаро адабиёт институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти, Россия); мақолларнинг когнитив хусусиятлари ҳақидаги қарашлар баён этилган (Қозон давлат университети, Белград давлат университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия); мақолларнинг лингвокультурологик жиҳатларига бағишланган тадқиқот ишлари бажарилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА ҳузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон).

Хориж тилшунослигида фақатгина мақолнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича эса қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мақолларнинг диахрон ва синхрон ҳолати ҳамда уларнинг нутқдаги кўринишларини аниқлаш; мақолларни лингвокультурологик, лингвопрагматик, когнитив аспектда тадқиқ этиш; бир неча тиллар фондидаги мақолларни қиёсий-типологик ўрганиш; мақолларни психологик аспектда таҳлилга тортиш; мақолларни дидактик ва методик мақсадларда тавсифлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фанда мақолларни халқ оғзаки ижоди, этнография, тилшунослик объекти сифатида текшириш, идиома-ибора-мақол тизимида илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш узоқ тарихга эга. Тилшуносликда мазкур йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб боришда муайян натижаларга эришилди³ ва бунда мақол, асосан, турғун

³Воробьев П.Г. Пословицы и поговорки в художественном творчестве и письмах А.С.Пушкина // Русский язык в школе. – Москва, 1949. №4. – С. 18–22; Ефимов А.И. Фразеологический состав повести Карамзина «Наталья, боярская дочь». Материалы и исследования по истории русского литературного языка. Т. I, – Москва, 1949. – С. 69–95; Фразеологический анализ художественного произведения. «О языке художественных произведений». – Москва, 1954. – С. 181–216. Язык сатиры Сальтыкова-Щедрина. – Москва: МГУ, 1957; Бинович Л. О многозначности идиом // Иностранные языки в школе. – Москва, 1952. №5. – С. 27–32; Базыленко А.М. Устойчивые словосочетания в языке Якуба Колоса. – Минск, 1952. – 28 с.; Рыбникова М. Разговорная фразеология в языке Маяковского. Сборник «Творчество Маяковского» – Москва, 1952. – С. 437–479; Булаховский Л.А. Идиомы и фразеологические единицы. «Введение в языкознание», часть II. – Москва, 1953. – С. 32–35; Кунин А. О фразеологических сращениях в современном английском языке // Иностранные языки в школе. – Москва, 1953. №3. – С. 28–31; Ахатов Г.Х. Фразеологические выражения в татарском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казан, 1954. – 22 с.; Реформатский А.А. Лексикализация, идиоматика, фразеология. «Введение в языкознание». – Москва, 1955. – С. 90–97; Ожёгов С.И. О структуре фразеологии. Лексикографический сборник. Вып. II. – Москва, 1957. – С. 31; Ткаченко В.П. Вопрос о пословицах как материале фразеологии. Уч. зап. Саратов. гос. пед. инс. Вып. XXX, 1958. – С. 123–127; Гаврин С.Г. К вопросу об отличии пословицы от поговорки в совр. русс. лит.-ном языке. Уч. зап. Пермского госпединститута. Вып. 17. 1958. – С. 42; Карриев Б.М. Туркменские пословицы и

бириқма, аниқроғи ибора таркибида ўрганила бошланди, фразеологизм объектига тор ва кенг маънода қараш шаклланди.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмнинг объекти сифатида ибора, идиома, мақол, матал кабиларнинг илмий тадқиқига доир⁴, ўзбек ёзувчи, шоирлари асарларининг тили ва услубига оид кўпгина изланишлар, номзодлик ва докторлик диссертацияларида мақолнинг маъновий, услубий хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратилган ишлар бажарилди⁵, мақолнинг лингвистик хусусиятларини илмий ўрганиш ҳам бошланди⁶. Ўзбек тилшунослигида мақолнинг синтактик хусусиятлари Х.Абдурахмоновнинг номзодлик ишида ўрганилгач, олим изланишларини давом эттириб, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг синтактик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этди. Кейинги ишда ўзбек тилида мақол ва маталларнинг синтактик қурилиши, мақоллардаги гаплар ва сўз бирикмаларининг асосий кўринишлари, уларнинг морфологик, синтактик, баъзи маъновий-услубий хусусиятлари кенг ёритилган. М.Садриддинованинг ишида ўзбек мақол ва маталларининг луғавий хусусиятлари тадқиқ этилиб, мақол ва маталлар лексикаси, бир томондан, ўзбек адабий тили лексикаси

поговорки. – Ашхабад, 1961. – 162 с.; Сарсенбаев Р. Лексико-стилистические особенности казахских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1961. – 24 с.

⁴Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 18 с.; Саломов Ғ. Бадиий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1964. – 124 б.; Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 384 б.; Рузикулова М. Идиоматика узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1966. – С. 22; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 24 с.; Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 274 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993. – 50 б.

⁵Назарова Х. Ҳ.Ҳ.Ниёзий асарларининг тили: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1944. – 114 б.; Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» поэмаси тилининг бадиий хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1949. – 128 б.; Ойбек романларининг тили ва стили // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1955. №10; Пинхасов Я. Фразеологические выражения в языке произведений Хаида Алимджана: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1953. – 18 с.; Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1957. – 27 б.; Шомаксудов А. Язык сатиры Мукуми (лексика и фразеология): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1956. – 18 с.; Абдуллаев В., Дониёров Х., Мирзаев С. Шиддаткор одамлар кассаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1960. №2. – Б. 115–122; Хусаинов М. Фразеология прозы писательницы Айдын: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1959. – 18 с.; Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати (Махорат ва тил ҳақида мулоҳазалар). – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962; Қўчқортоев И. А. Қаҳҳорнинг фразеологик маҳорати: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1965. – 134 б.; Самадов Қ. Ойбек – сўз санъаткори. – Тошкент, 1965. – 24 б.; Абдуллаев О. Эмоционально-экспрессивная лексика в современной узбекской прозе (по роману Абдуллы Каххара «Огни Кошчинара»): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1968. – 20 с.; Азизхонова Л. «Навоий» романидаги фразеологизмларнинг рус тилига таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. №3. – Б. 54–57; Аскарлов С. А. Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. №1. – Б. 19–22; Жўрахонов А. Муқимийнинг халқ мақолларидан фойдаланиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. №4. – Б. 52–55; Тўйчиев М. «Шинелли йиллар» романида халқ мақоллари ва ибораларининг ишлатилиши / Ўзбек фразеологиясидан тадқиқотлар. СамДПИ асарлари. – Самарканд, 1971. – Б. 84–87; Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Тошкент: Фан, 1971. – 176 б.

⁶Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент: АН УзССР, 1964. – 18 с.; Абдурахмонов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 48 с.; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 18 с.; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Самарканд, 2002. – 24 б.; Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Дис. ... док. филол. наук. – Тошкент, 2007. – 286 с.

билан, иккинчи томондан эса лаҳжа ва шевалар лексикаси билан қиёсий ўрганилди. Муаллифнинг номзодлик диссертациясида мақолларнинг маъновий-услубий жиҳатлари: кўп маънолилиги, синонимлиги, вариантлилиги, услубий хусусиятлари тадқиқ этилди⁷. П.Бакировнинг тадқиқотида номинацентрик⁸ мақолларнинг семантик ва структур хусусиятлари рус, ўзбек ва қозоқ тили материаллари асосида батафсил изоҳланди⁹.

Мақолларнинг лингвистик шаклланиши масалаларига Н.В.Зимовецнинг мақоласида¹⁰, И.Сиротнинг монографиясида¹¹, Б.Б.Мансуров¹² ва С.Башаран¹³ларнинг диссертацияларида дахл қилинган бўлиб, ўзбек тилшунослигида ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш кун тартибидаги муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми ҳамда Жиззах давлат педагогика институти “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2009–2014 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мақолнинг ёндош ҳодисаларга муносабатини аниқлаш, шу асосда унинг лисоний мавқеини белгилаш, мақол пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари ҳамда прагматик хусусиятларини тизимли ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Асосий мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот ишида қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

мақолнинг идиома, ибора ва маталлар билан умумий ҳамда фарқли белгиларини тадқиқ этиб, шу асосда унинг лисон/нутқ ихтилофидаги ўрнини аниқлаш;

мақол шаклланишининг манбаи, восита ва усулларини белгилаш, тавсифлаш, семантик ҳодиса моҳиятини баён қилиш;

ўзбек халқ мақоллари пайдо бўлишининг интралингвистик омиллари тилшунослик, фольклор, ижтимоий ҳаёт кузатувлари алоқадорлигида юзага келганлигини асослаш;

⁷Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. ном. дис. – Тошкент, 2002. – 136 б.

⁸Эга ва кесими бош келишидаги от ва ҳаракат номи билан ифодаланган мақоллар. Бу атама илк марта профессор П.Бакировнинг тадқиқотида қўлланган.

⁹Бакиров П.У. Номинацентрические пословицы в разносистемных языках (на материале русского, узбекского и казахского языков): Дис. ... док. филол. наук. – Тошкент, 2007. – 286 с.

¹⁰Зимовец Н.В. К вопросу о происхождении английских пословиц и поговорок / Актуальные вопросы переводоведения и практики перевода. – Россия. Г. Белгород. 2013. – С. 112–118.

¹¹Сирот И.М. Русские пословицы библейского происхождения. – Брюссель: Жизнь с Богом, 1985. – 128 с.

¹²Мансуров Б.Б. Религиозно-хадисный аспект в казахских пословицах и поговорках: Автореф. дис. ... док. философ. (PhD) по филол. наук. – Ашхабад. 2018. – 24 с.

¹³Башаран С. Hadislerin Turk Atasozlerine Tesiri. – Туркия, 2017. – 22 с.

жамиятда инсонларнинг турмуш тарзига, хулқ-атвориغا, дунёқарашига хос бўлган хатти-ҳаракатлар экстралингвистик бирликлар орқали мақоллар шаклланишига асос бўлганлигини кузатиш;

мақолларнинг матндаги функционал-стилистик, коннотатив-баҳо муносабатларини семантик-прагматик таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ мақоллари танланган.

Тадқиқот предметини ўзбек халқ мақолларининг лисоний мавқеи, лингвистик шаклланиш асослари, прагматик хусусиятларини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Ишда компонент таҳлил, тавсифий, статистик, диахрон ва синхрон, тарихий-қиёсий таҳлил методлари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилида паремик ва идиоматик бирликлардан мақол ва идиома, мақол ва ибора, мақол ва матал муносабати, уларнинг интеграциялашув ва дифференциялашув ҳолатлари аниқланган;

тилда типик, барқарор категориялар билан бир қаторда оралик ҳодисалар ҳам учраши, мақол ва матал ўртасида мақол-матал типидagi паремаларнинг мавжудлиги асосланган;

ўзбек халқ мақолларининг ёндош ҳодисаларга муносабати асосида уларнинг лисон/нутқ дихотомиясидаги ўрни лингвистик нуқтаи назардан очиқ берилган;

мақоллар шаклланишининг интралингвистик асосларида лисоний (ибора), фольклористик (матал, ривоят, латифа, афсона, топишмоқ), этнографик (эътиқодий тушунча, халқ удумлари, халқ ўйинлари), диний (ҳадис) манбалар парадигмаси етакчи омил бўлганлиги исботланган;

мақоллар пайдо бўлишининг экстралингвистик омиллари ҳайвон номлари, касб-кор, диний, уй-рўзғор тушунчалари, вақт, ўсимлик, табиат ҳодисалари номлари, ўзбек халқи турмуши воқелиги асосида шаклланган мақоллар таснифи асосида иерархик далилланган;

ўзбек халқ мақолларидаги фаол ҳайвон номларининг ижтимоий шартланган маънолари, яъни прагматик хусусиятлари градуонимик, семантик, функционал жиҳатдан ишлаб чиқилиб, бадиий-эстетик қиймати ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

илмий тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида ва, умуман, филологияда мақол ва унга ёндош ҳодисаларни фарқлашда, паремиология ва фразеология масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб боришда муҳим амалий аҳамият касб этади;

мақоллар шаклланиш жараёнини интралингвистик ва экстралингвистик омилларни тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек паремиологияси ва фразеологияси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беришга, тилшуносликнинг фразеология, прагмалингвистика, лингвокультурология, услубшунослик каби йўналишлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукамаллашувига хизмат қилади;

мақол пайдо бўлишида ибора, фольклор жанрлари, ҳадисларнинг асос вазифасини бажарганлиги тилшунослик, халқ оғзаки ижоди ва диний манбалар алоқадорлиги ҳақида тасаввур уйғотишга имконият яратади;

Тадқиқот натижалари асосида “Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари” номли монография, “Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати” тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тилшунослигида мақолнинг лисон/нутқ ихтилофидаги ўрни назарий манбалар ёрдамида атрофлича очиб берилганлиги ҳамда шу асосда унинг лисоний мавқеи белгиланганлиги, мақол пайдо бўлишининг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари бой далилий материалларга таянган ҳолда чуқур тадқиқ этилганлиги, ўзбек халқ мақолларидаги фаол ҳайвон номларининг ижтимоий шартланган маънолари аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Бу тадқиқотнинг илмий хулосалари ўзбек халқ мақолларини ҳар томонлама ўрганиш учун имконият яратади. Мақолнинг идиома, ибора, матал ва мақол-матал типидagi паремаларга бўлган муносабатига аниқлик киритилганлиги, шу асосда уларнинг чегараси белгиланганлиги ҳар қайси бирликнинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ва чуқур тадқиқ этишга тўғри йўл очади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек халқ мақоллари пайдо бўлишининг йўлларини батафсил тасаввур этиш, яъни уларга тағзамин вазифасини ўтаган ибора; матал, ривоят, латифа, афсона, топишмоқ; эътиқодий тушунча, халқ удумлари, халқ ўйинлари, ҳадислар билан мақол ўртасидаги муносабатлар бўйича мукамал билимга эга бўлишга имконият яратганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

ясама сўзларнинг диахрон ҳолатини ўрганишда мақоллар таркибидаги айрим сўзларнинг диахрон ҳолати ўрганилиши билан боғлиқ назарий қарашлардан, айрим иборалар пайдо бўлишининг материал томони эркин сўз бирикмаси бўлганлиги ва уларнинг таркибидаги айрим сўзларнинг тарихан ясама эканлиги ҳақидаги фикрлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012–2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида (Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2019 йил 27 августдаги 182/1-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада сўзларнинг синхрон ва диахрон шаклланишига доир масалаларни мукамаллаштириш имконияти яратилган;

мақол ва маталлар ҳақида атрофлича маълумот бериш, ибора ва мақолларни ўзаро фарқлаш, топишмоқ ва мақол, ривоят ва мақол, афсона ва мақол муносабатларини ёритиш, мақолларда кўп маънолилиқ ҳодисасини изоҳлаш, мақолларда иштирок этган ҳайвон номларининг маъноларини очиб бериш хусусидаги назарий қарашлардан 2007–2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли

фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Айтилган илмий натижанинг қўлланиши сўз маъноларини ойдинлаштиришга, бу борадаги таҳлилларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

идиома, ибора, мақол, маталлар таҳлили, шунингдек, мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари, уларнинг бадиий асар тилини бойитишдаги, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришдаги хусусиятларидан 2007–2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-090 рақамли “Жадид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси) фойдаланилган; Олинган натижаларнинг қўлланиши барқарор бирликларга хос хусусиятларни аниқроқ фарқлашга замин яратган;

ўзбек романларида мақолларнинг ижтимоий шартланган маъноларини аниқлаш; мақол, идиома, матал, иборага хос хусусиятларни белгилаш; мавжуд бирликларнинг бадиий асар тилини бойитишдаги ўрнини кўрсатиш; мақолларнинг персонажлар характери очишдаги ўрни ҳақидаги хулоса-умумлашмалардан 2012–2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 рақамли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий хулосаларнинг татбиғи бадиий асарларда қўлланган мақолларнинг маъноларини осонликча изоҳлашга йўл очган;

халқ ўйинлари асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг мазмуний боғлиқлигини асослаш орқали уларда поэтик структура ёки композиция шаклланишининг асосий тамойилларини белгилаш, афсоналар асосида шаклланган халқ мақоллари масаласини ўрганиш, бундай мақолларнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш ҳақидаги хулосалардан 2012–2016 йилларда бажарилган Ф-1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 октябрдаги 89-03-3873-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий қарашлар халқ ўйинлари ва афсоналарнинг мақолларга муносабати бўйича мукамал билимга эга бўлишга хизмат қилган;

ўзбек халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари, мақоллардаги маъноларнинг шаклланиш манбалари ҳақидаги мулоҳазалардан Бухоро телеканали орқали 2018 йил 4, 18 ноябрь; 9, 16 декабрь кунлари эфирга узатилган “Ассалом, Бухоро” кўрсатувида фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 15 январдаги 1/22-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

тадқиқот натижалари асосида яратилган “Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати” (изоҳли луғат: 5-648-03473-3) тил таълимида мақол маъноларини атрофлича тушунишга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 14 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 66 та иш (2 та монография, 1 та луғат, 45 та илмий мақола, 18 та илмий ахборот ва маъруза тезислари), шулардан 9 та илмий мақола халқаро журнал ва тўпламларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 230 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсаду вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқотнинг жорийланиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “**Мақолнинг ёндош ҳодисаларга муносабати ва лисон/нутқ ихтилофидаги ўрни**” деб номланган бўлиб, унда мақолнинг идиома, ибора, матал, мақол-матал типигаги паремалар билан бўлган муносабати ёритилди, шу асосда унинг лисоний мавқеи белгиланди.

1. Мақолнинг идиомага муносабати. Маълумки, идиоманинг қамров доираси тилшуносликда турлича белгиланмоқда. С.И.Ожегов, А.И.Ефимов, Ғ.Саломовлар мақол, матал, қанотли сўзлар, кўчма маънога асосланган турли характердаги образли ифодаларнинг барчасини идиомалар деб атайди. С.И.Абакумов, Н.М.Александровлар идиоматика ва фразеологияни фарқлайди, Л.И.Ройзензон, А.А.Реформатскийлар идиоматикликни ибораларга хос хусусият ҳисоблайди, В.В.Виноградов, Ш.Раҳматуллаевлар тадқиқотларида эса *идиома сўзи фразеологик чатишма* атамасининг эквиваленти сифатида ишлатилади. Турк паремиологлари Тоҳир Нежат Генжан, Камол Айюбўғлилар мақол ҳамда идиомани ўзаро фарқлаб, идиома номи остида иборани тушунадик, бу қарашлар ишда батафсил изоҳланган.

Маъноси таркибидаги луғавий бирликларнинг асл маъносига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир кўчма маъно берувчи сўз ёки сўзлар боғланмаси идиомалардир¹⁴. Идиома тузилишига кўра сўздан ҳам, сўз бирикмасидан ҳам, гапдан ҳам иборат бўлиши мумкин. Маъноси таркибидаги луғавий бирликларнинг асл маъносига боғлиқ бўлмаган сўзлар сўз-идиомалардир: *туллак, латта*. Тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига тенг келувчи идиомалар таркибига фразеологик бирликларнинг катта қисми мансуб:

¹⁴Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. – Тошкент: Фан, 1955. – Б. 26.

туёғини шиқиллатмоқ, беш қўлини оғзига тиқмоқ. Ички тузилиши гапга тенг бўлган иборалар ва барча мақоллар учинчи турга – гап-идиома гуруҳига киради: *тарвузи қўлтигидан тушмоқ, Кемага тушганнинг жони бир.* Ана шу учинчи нуктада ибора ва мақол бирлашади, энди улар ўртасидаги фарқни аниқлашга зарурат туғилади.

2. “Мақол ва ибора орасидаги муносабат” деб номланган иккинчи бўлимда бундай фарқ тўрт йўналишда кузатилди:

2.1. Этимологик жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. “Одатда, мақолни, – деб ёзади профессор Б.М.Карриев, – дастлаб ўткир кузатувчанлик ва ўз фикрини бир неча сўз биланок равшан ифодалаб бериш қобилиятига эга бўлган бир киши тўқиб чиқаради. Ўринли ифодаланган бу фикр, дастлаб индивидуал бўлган бу хулоса кейинчалик жамоа томонидан қабул қилиниши, қайта ишланиши, сайқалланиши мумкин. Бу эса мақолнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай мақол даставвал бир аниқ воқеага, айрим, ягона бир ҳолга бағишланган бўлади. Бундай ўринли айтилган гап омма орасида қандай ишлатилишига қараб, аста-секин кенг умумлашма маънога эга бўла боради”¹⁵. Бу ерда муҳим бўлган белгилар шундаки:

биринчидан, мақол шунчаки сўзлар тизмаси бўлмай, балки ўткир кузатувчанлик асосида вужудга келган фикрларнинг хулосаси бўлиши даркор. Иккинчидан, бу хулоса жамоатчилик томонидан тасдиқланиши шарт. Учунчидан, юқоридаги икки шартга жавоб берувчи ибратли фикр ихчам, мукамал, бадиий жиҳатдан пухта, кристал шаклга эга бўлиши лозим.

Одатда, инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган, реал борлиқнинг аниқ ходисаларини ифодалайдиган эркин сўз боғланмаларидан иборалар вужудга келади. Бу жараёни рус олими Б.А.Ларин қуйидагича тушунтиради: “Иборалар асосида таркибига кўра тўлиқ, грамматик қурилишига кўра мўътадил бўлган нутқ оборотлари ётади. Ўз маъносида ишлатилувчи бу бирикмалар маъновий ўзгаришга учрайди: аниқликдан мавҳумликка, хусусийликдан умумийликка томон боради”¹⁶. Аммо барча ибораларнинг асосини эркин боғланма ёки гап ташкил этади, дейиш шартли бўлиб, бу хусусда филология фанлари доктори А.Маматовнинг тадқиқот ишида батафсил маълумот берилган¹⁷.

2.2. Маъновий жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. Кўпгина эркин сўз бирикмалари кўчма маъно ифода этиб, шу ҳолатда қотиб қолиб иборага айланган бўлса-да, баъзан ўзининг тўғри маъносида ҳам ишлатилади. Масалан: *Зулфия кўйлаги ҳўл бўлмасин учун, аввал енглариини шимариб, сўнгра ишга киришди.*

Мақол таркибидаги сўзлар тизмаси эса мақоллик ҳолатидан бошқа пайтларда айнан шу шаклда учрамайди. Фразеологик бирикмада баъзан идиоматик маъно билан асл маъно бир-бирига қарама-қарши келиб қолиши

¹⁵Карриев Б.М. Туркменские пословицы и поговорки. – Ашхабад: Наука, 1961. – С. 16.

¹⁶Ларин Б.А. Очерки по фразеологии. Уч. зап. Ленинградского университета, №198. Вып. 24. – С. 200.

¹⁷Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологиясининг шаклланиши масалалари. 10.02.02. Миллий тиллар (ўзбек тили): Филол. фан. док. ... дис. – Тошкент, 1999. – 317 с.

мумкин: *Кўлларигача маҳкам ёпинган ўрмон кесувчилар изгирин совуқда енг шимариб меҳнат қилмоқдалар.*

Мақолларда эса гоҳида мақолнинг идиоматик маъноси мақол таркибидаги сўзларнинг асл маъносига мос келиб қолади:

– *“Агар касал соғаядиган бўлса, табиб ўзи келиб қолади” дейдилар. Дарвозли машҳур Султонхон эшон бу кеча қишлоғимизга... меҳмон бўлиб келган. Бунинг ўзи касалнинг соғайиш аломатидир*¹⁸.

Бундай ҳолатни кўпгина олимлар мақолларнинг ўз маъносида ишлатилиши деб белгилайди¹⁹. Бизнингча, худди шундай пайтларда ҳам мақоллар таркибидаги сўзлар ўз маъносида қўлланмайди.

Мақоллар ўз ва кўчма маъносининг тасодифан параллел келиб қолиши ва бунда ўз маънонинг ҳам, кўчма маънонинг ҳам контекст билан бемалол боғланиб кетиши тадқиқотчини чалғитиб қўйиши табиий.

2.3. Синтактик жиҳатдан мақол ва ибора орасидаги фарқ. Мақол камида битта гапга тенг келади, ҳукм характерида бўлиб, грамматик фикр ифодалайди, ўз ички грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам доим гапга тенг бўлади. Ундан англашиладиган мазмун фақатгина тасвирий йўл билан очилади: *“Тулки унига қараб ҳурса, қўтир бўлади. ...Ўзининг униб-ўсган ерини, элини, ватанини ёмонлайдиган, ношукурчилик қилиб ташлаб кетадиган одам ўнғалмайди, хор-зорликка учрайди”*²⁰.

Ибора гапда атамалик хусусиятига эга бўлиб, лексик тушунча англатади, унинг изоҳи, одатда, сўз ёки сўз бирикмаси билан берилиши мумкин: *“Оғзинг қани?” – деса, қулогини кўрсатадиган – анқов; ади-бади айтишмоқ – жанжаллашмоқ; жонига ора кирмоқ – оғир аҳволдан қутқармоқ.*

Ибора ички грамматик қурилиши жиҳатидан бирикмага ҳам, гапга ҳам тенг кела олади: *авжига чиқмоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ.*

2.4. Идиомалашувда мақол ва ибора ўртасидаги фарқ. Мақолда асос бирлик, яъни матал мақолга айлангунга қадар тўғри маънода ишлатилувчи ҳикмат – гап шаклида бўлади ва аста-секин маънонинг идиомалашуви натижасида мақолга ўтади. Масалан: *“Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи эрга тегади”* мақолини олайлик. Туянинг ўзи катта бўлса ҳам, думи калта бўлади, ҳеч қачон ўсиб бориб эрга тегмайди. Хўжалар оддий фуқаролар, яъни “қорача”лардан келган совчиларга рад жавобини берадилар. Шу туфайли ҳамда хўжалардан ҳадеганда совчилар келавермагани оқибатида хўжа қизлари вақтида турмушга чиқолмай, ота уйида “қари қиз” бўлиб, “ўтириб” қоладилар...²¹. Бунда матал мақолга айланар экан, идиомалашуви маънонинг кенгайиши оқибатида юз беради. Яъни *“Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи эрга тегади”* мақоли фақатгина хўжа қизлари ҳаёти

¹⁸ Айний С. Дохунда. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1956. – Б. 36.

¹⁹ Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 286 б.; Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок. – Москва: Советская Энциклопедия, 1966. – 536 с.; Саримсаков Б.И., Мусакулов А.К. Узбекские народные пословицы. – Ташкент: Фан, 1983. – 232 с.

²⁰ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2018. – Б. 363.

²¹ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2018. – Б. 385.

билан боғлиқ бўлмай, балки барча хўжасифат кишилар тақдирига боғлиқ ҳолларда қўлланаверади.

Иборада эса асос бирлик иборага айлангунга қадар сўз ёки сўз бирикмаси ва гап кўринишида бўлади. “Кўзи тўрт бўлмоқ” эркин боғланмасини кўчириш қасосида “кутмоқ”, “хамирдан қил суғургандай” эркин боғланмасини кўчириш орқали “осон” маъноли фразеологик маънолар юзага келади. Бунда эркин боғланма фразеологизм учун мотивловчи асос бўлади. Мотивловчи асоснинг тил факти сифатида шаклланиши кўчма маънонинг торайиши натижасида юз беради. Масалан: *тарвузи қўлтигидан тушди* (қовуни эмас), *капалаги учиб кетди* (чумчуғи эмас).

3. Мақол ва матал орасидаги муносабат. Мақол ва матални фарқлаш, чегаралаш ҳануз муаммолигича қолмоқда, лисон ҳодисаси сифатидаги мақол ва маталнинг моҳияти тўла очилмаган. Бу масалага биринчилардан бўлиб эътибор қаратган рус фольклоршунос ва тилшунослари И.М.Снегирев [1848], А.А.Потебня [1895], В.И.Даль [1899], Ф.И.Буслаев [1959], О.Широкова [1903], М.А.Рыбникова [1961], В.П.Фелицына [1979], С.Г.Гаврин [1974], А.М.Бабкин [1964], А.А.Молотков [1977], В.П.Жуков [1966], В.М.Мокиенко [1989], Н.М.Шанский [1985] ва бошқалардир²².

Бизнингча, тилшуносликда мақол ва матални маъно томонидан чегаралаш мақсадга мувофиқдир, чунки улар берилаётган хабарни ифодалаш характериға кўра бир-биридан фарқ қилади. Матал нутқда ахборот бериш, мақол эса шу ахборотни жонли тимсолларда етказиш, уни далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланади. Масалан, матал: *Кутганга кун узоқ*. Мақол: *Тикилган қозон қайнамас. Очга тортган кечга тортган*.

Ҳар қандай шароитда ҳам маталнинг мазмуни ўзгармай, аслича қолаверади: *Меҳнатнинг айби йўқ*. Ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда мақол ифодалаган мазмун миқёси ўзгариб боради, баъзан эса бутунлай бошқача моҳият касб этиши ҳам мумкин. *Тўнғиздан – бир тук*. Ислом қонуниға кўра, тўнғиз (чўчка)нинг бутун аъзоси ҳаром саналади. Аммо намоз ўқиганда мабодо кишининг кийимиға тўнғизнинг бирор туки ёпишиб қолган бўлса-ю, буни намозхон пайқамаган бўлса, ўқиган намози жоиз бўлаверармиш. Пойабзал тикувчи косиблар шариат қонунининг ана шу нуқтасидан фойдаланиб, тўнғизнинг тукини сўзан (игна) ўрнида ишлатардилар... Юқоридаги мақол билан мажозан: “Бировдан нимаики унадиган бўлса, ундириб қол”, – демоқчи бўлганлар”²³. Ҳозирги вақтда “Тўнғиздан – бир тук” мақоли “Карнайчидан – бир пуф”, “Тегирмончидан – бир бўп” каби мақоллар билан ўзаро синонимлик ташкил этади ва булар бир одам бирор нимани илтимос қилганда: “Сиздан нима кетди, бу иш сиз учун ҳеч гап эмас-ку”, – деган маънода ҳам қўлланади.

²²Бакирова М.Р. Лингвостилистический анализ пословиц и поговорок с зоонимическим компонентом (на материале русского и английского языков) // Международный студенческий научный вестник. – 2015. – № 5; <http://www.allbest.ru/>

²³Шомақсудов Ш, Шораҳмедов Ш. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. Нега шундай деймиз. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 264–265.

Маталнинг шаклий кўриниши, асосан, ўзгармайди: *Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл*. Мақол тимсол воситасида иш кўрар экан, жамият ҳаёти, халқ турмуши билан боғлиқ ҳолда унинг тимсоллари тизмаси – шакли ўзгариб туради: *Бир қинга икки қилич сизмагай*²⁴. *Иккита қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас*²⁵. Мақолнинг маталдан асосий фарқи мақолнинг идиомалашган кўчма маънога эга эканлиги ва маталнинг бу хусусиятга эга бўлмай, фақатгина тўғри маънода қўлланишида кўринади.

4. Мақол-матал типдаги паремалар. “Маълумки, тил кўп қиррали ҳодисаларни акс эттиради, тилда типик, барқарор категориялар билан бир қаторда оралик ҳодисалар ҳам учраб туради”²⁶. “Мақол ва матал оралиғида кенг кўламда мақол-матал типдаги ифодалар жойлашган бўлиб, улар ўзида мақоллик ва маталлик хусусиятларини акс эттиради. Бундай ифодаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда бир қисм сўзлар ўз маъносида ишлатилса, иккинчи қисми кўчма маъно ифодалайди”²⁷. Масалан: *Бой бойга боқар, Сув сойга оқар. Ҳамсоя ҳамсоядан улги олар, Қовун қовундан ранг*.

Демак, грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, ўткир мазмунли, кўчма маънода ишлатилувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари мақол; грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, фақат ўз маъносида – тўғри маънода қўлланилувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари матал; бир қисми ўз маъносида, иккинчи қисми кўчма маънода қўлланилувчи қисқа, ихчам халқ ҳикматлари мақол-матал типдаги паремалар ҳисобланади.

Иккинчи боб “**Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг интралингвистик асослари**” деб номланган бўлиб, унда интралингвистик бирликлар ёрдамида шаклланган мақоллар олтига ажратилган:

1. Иборалар асосида шаклланган мақоллар. Семантик жиҳатдан умумийлик ҳосил қилувчи ибора ва мақол бирининг номинатив, иккинчисининг предикатив вазифа бажариши билан ўзаро фарқланади.

Маълум шароитда алоҳидалик хусусийликка, хусусийлик эса умумийликка, ва аксинча, улар бир-бирига ўтиши мумкин. Бу эса тарихий тараққиёт, динамика жараёнини кўрсатади. Диалектикадаги бу қонуният ҳам мақолларнинг маълум қисми иборалардан пайдо бўлган деган хулосага келишимизга асос бўла олади: *Санамай саккиз демаслик – Санамай саккиз дема. Етти ўлчаб бир кесмоқ – Етти ўлчаб, бир кес*.

2. Фольклор жанрлари асосида шаклланган мақоллар.

2.1. Маталлар асосида шаклланган мақоллар. “Ишонмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга”, “Чикқан қиз – чийриқдан ташқари” каби мақоллар маталлардан келиб чикқан бўлиб, уларнинг асосида реал воқелик ётади. Давр ўтиши билан бу паремалар асосида ётган воқеа-ҳодиса йўқолади ва унутилади ёки парема таркибидаги баъзи бир сўзлар истеъмолдан чиқади, архаиклашади. Натижада парема таркибидаги сўзларнинг асл маъноси

²⁴Қодиров П. Сайланма. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 270.

²⁵Аҳмад С. Жимжитлик. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 256.

²⁶Фёдоров А.К. Трудные вопросы синтаксиса. – Москва: Просвещение, 1972. – С. 3.

²⁷Жуков В.П. Словарь русских пословиц и поговорок. – Москва: Советская Энциклопедия, 1966. – С. 11.

ўқувчига тушунарли бўлмай қолади ва матал мақолга айланади. Масалан: “Ишонмагил дўстингга, сомон тўқар пўстингга” мақолини олайлик. “Қадим замонларда подшоларнинг жаллодлари айбдор одамларни... “Пўст тортиш” деб аталувчи кийнов усуллари билан ҳаддан ташқари азоблаб ўлдирадилар... Мақолда шу нарсага шаъма қилинган ҳамда: “Ҳар кимни ҳам чин дўстим деб ўйлаб, сир-асрорингни айтаверма. “Дўст” ниқоби остида юрган душманинг сирингни билиб олгач, сени “сотиб”, роса адабингни бердириши мумкин”, демокчи бўлинган”²⁸.

2.2. Ривоятлар асосида шаклланган мақоллар. *Азроилнинг бир турқи – бўри-да.* Бу мақолнинг келиб чиқиши бевосита ривоятларга бориб тақалади. Диний ривоятга кўра, Азроил тўрт фариштанing бири бўлиб, унга одамларнинг жонини олиш топширилган эмиш. Мазкур мақолда ваҳшийлик тимсоли бўлмиш бўри Азроилга ташбеҳ қилинган ва у ҳаётда раҳм-шафқатни билмайдиганларга нисбатан қўлланилади²⁹.

2.3. Латифалар асосида шаклланган мақоллар. *Эшакни яширсанг, ҳанграши ошкора қилади.* Бир одам Афандидан: “Эшагингизни пешингача бериб туриг, бир оз юким бор эди, ташиб олай”, – деб илтимос қилиб келибди. “Эшагим йўқ, сизга ўхшаб сўраб келган бир одамга бериб юборувдим”, – дебди Афанди. Шу пайт ичкаридан эшак ҳанграб юборибди. “Ие, эшагингиз бор экан-ку, Афандим”, – дебди ҳалиги одам. “Нима оппоқ соқолим билан манинг гапимга ишонмайсиз-у, эшакнинг гапига ишонасизми?!” – деб жаҳл қилибди Афанди.

2.4. Афсоналар асосида шаклланган мақоллар. *Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Ушбу мақолнинг келиб чиқиши диний афсонага бориб тақалади: “Ёлғондакам мусулмон бўлганлар “бу масжидга келиб-кетиш бизга узоқлик қилади” деб, ўзларига яқин ерга масжид солган эмишлар. Кейин авлиёни ўлдириш ниятида масжиднинг эшиги олдида катта чоҳ қазиб, устини хаспўшлаб қўйганмишлар. Буни авлиёкаронат билиб, ўша куни масжидга келмаган эмиш. Ғанимларнинг ўз ичларидан бир-иккитаси билмасдан келиб қолиб, ўзларининг одамлари қазиган чоҳга йиқилиб ўлган эмиш³⁰.

2.5. Топишмоқлар асосида шаклланган мақоллар. *Қозик устида қор турмас.* (Тухум.) Худди шу топишмоқ тугалланган оҳанг билан айтилса, мақолга айланади: *Қозик бошида қор турмас, Нодон киши дўст бўлмас.* (Н.О.). *Етти қизнинг онаси – ҳанузгача келинчак.* Ёши анча ўтиб қолган бўлишига қарамай қизлар, келинчакларга хос кийиниб, ўзига ҳаддан зиёд оро берувчи, пардоз-андоз қилиб юрувчи аёлларга нисбатан киноя тарзида қўлланадиган бу мақол куйидаги топишмоқдан олинган (бу ўринда шуни айтиш керакки, баъзи қўшиқлар ва топишмоқларнинг бир қисмини мақол тариқасида айтиб юрадилар). *Чўпчагим чўпчак, Олтин беланчак,*

²⁸Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 184–185.

²⁹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Совет Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 14.

³⁰Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 49.

*Етти қизнинг онаси Ҳанузгача келинчак*³¹.

3. Эътиқодий тушунчалар асосида шаклланган мақоллар. *Итнинг товони қичиса, карвонга эргашар.* Бу мақолда келтирилган “товони қичимоқ” ибораси халқнинг қадимий ирим-сирими, эътиқодий тушунчаси билан боғлиқки, бунга кўра, “Агар киши оёғининг таги – товони қичишса, узоқ йўл юради”, “Агар кишининг ўнг қўли қичиса – қўлига пул, маблағ тушади, чап қўли қичиса – қўлидаги пули, маблағи кетади”, – деб ҳисоблаганлар... Юқорида келтирилган “Итнинг товони қичиса, карвонга эргашар” мақолини иши бўлса-бўлмаса, санғиб, тентираб, ҳаммаёқни кезиб юрувчи, худа-беҳудага ўзини ўзи азобга, машаққатга соладиган аҳмоқ одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар³².

4. Халқ удумлари асосида шаклланган мақоллар. Жаҳон тилшунослигида халқ удумлари, одатлари асосида мақолларнинг пайдо бўлиши ҳақида айрим мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Н.В.Зимовец ёзади: “Beat the air (или the wind)” (знач. «попусту стараться, понапрасну затрачивать энергию») ифодаси ўрта асрларда рақиб жангга келмаган пайтда иккинчи томон ғалаба қозонганлигини билдириш учун қуролини силкитиш одати мавжуд бўлганлиги билан боғлиқ³³.

Косибнинг қозони пайшанба куни қуюқ қайнайди. Ўтмишда шаҳардаги майда хунармандлар, жумладан, косиблар камбағалона турмуш кечиришган. Илгари дам олиш куни ҳозиргидай якшанба эмас, жума куни бўларди. Косиблар чоршанба (бозор) куни тайёр бўлган ковуш-маҳси ва этикларини сотиб, бир ҳафтага етадиган рўзғорларини бозордан ғамлаб чиқиб, пайшанба куни ўз оилалари ва халфа-шоғирдлари учун палов (ёки бошқа бирор тансиқ овқат) қилардилар. “Қозони қуюқ қайнайди” дегани – шу. Бошқа кунлари эса мошхўрда, сўк оши, ёвғон шўрва сингари овқатлар қилинган³⁴.

5. Халқ ўйинлари асосида шаклланган мақоллар. Н.В.Зимовецнинг кўрсатиб ўтишича, “Play fast and loose” (знач. «вести нечестную, двойную игру») мақоли ярмарка вақтида Англияда ўйналадиган ўйин тури билан боғлиқ бўлган. Бу ўйиннинг моҳияти шундан иборат бўлганки, унда арқон қўлга гоҳ маҳкам, гоҳ бўш ўралган. Бу мураккаб ҳаракатларни тезда англай ололмаган иккинчи томон эса ўйинни ютқазган³⁵.

Олдин ютганнинг бурни қонар. Бу мақол болаларнинг ошиқ, ёнғоқ, данак ўйнашида рўй берадиган ҳолдан олинган: агар бирор бола биринчи галда ютиб қолса-ю, “эндиги сафар ютқизиб қўяман”, – деган хаёл билан ютуғини қўйнига уриб, қоча бошласа, қолган болалар унинг орқасидан югуриб бориб, тутиб, қайтадан ўйнашга мажбур қилардилар. Агар у унамаса,

³¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2018. – Б. 96.

³²Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 174.

³³Зимовец Н.В. К вопросу о происхождении английских пословиц и поговорок / Актуальные вопросы переводоведения и практики перевода. – Россия. Г. Белгород, 2013.

³⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 219.

³⁵Зимовец Н.В. К вопросу о происхождении английских пословиц и поговорок / Актуальные вопросы переводоведения и практики перевода. – Россия. Г. Белгород, 2013.

ўртага олиб, дўппослаб, оғзи-бурнини қора қонга белардилар. Мажозан: бирор катта ютукқа эришган, бирор нарсадан каттароқ фойдага эга бўлиб қолган одам ҳовлиқиб, мақтаниб, ҳеч кимни менсимай, назар-писанд қилмай юрса, одамлар: “Ҳали шошмай тур, охири нима бўларкин. Бурнинг қонаб қолмасин тагин!” – деган маънода унинг “попугини пасайтириб кўймоқ”, тилини тийиб кўймоқ мақсадида унга қарата шундай дейдилар³⁶.

6. Ҳадислар асосида шаклланган мақоллар. “...Ҳадислар ҳам мақолларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида маълум даражада таъсир кўрсатган, аниқроғи, ҳадислар жонли сўзлашув жараёнида қайта ишланиб, янада ихчамлашиб, образлилик касб этган ҳолда хилма-хил мақоллар шаклида фаолроқ қўллана бошлаган³⁷. Масалан: Ҳазрати Ойша айтдилар: “Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ уни урганимни кўриб: “Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади”, – дедилар”³⁸. Мақоллар: *Яхши гап билан илон унидан чиқади. Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади. Жўяли гапга туя ҳам чўқади.*

Учинчи боб “**Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг экстралингвистик асослари**” деб номланади. Экстралингвистик асослар ёрдамида шаклланган мақолларни қуйидаги каби гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ҳайвон номлари асосида шаклланган мақоллар. Ёввойи ва уй ҳайвонлари, паррандалар, қурт-қумурсқа кабиларни атаб келувчи сўзлар ҳайвон номларини ташкил этади³⁹.

1.1. Хонаки ҳайвон номлари асосида шаклланган мақоллар. Бунда “ит”, “қорамол”, “от”, “эшак”, “эчки”, “қўй”, “туя” “мушук”, “қуён” луғавий-маъновий гуруҳ (ЛМГ)лари билан шаклланган мақолларнинг асослари аниқланди. Кузатишлар “қорамол” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг кўпчилиги қорамолнинг ташқи кўриниши ҳамда биологик хусусиятига; “ит”, “от”, “эшак”, “эчки” ЛМГлари асосида шаклланган мақолларнинг кўпчилиги уларнинг табиати, феъл-атвориға; “қўй”, “мушук” ЛМГлари асосида шаклланган мақоллар кўпроқ уларнинг биологик хусусиятига; “туя” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар кўпроқ туянинг ташқи кўринишига; “қуён” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг ҳаракатиға кўра юзага келганлигини кўрсатди.

1.2. Ёввойи ҳайвон номлари асосида шаклланган мақоллар. Ишда “бўри”, “айиқ”, “фил”, “шер”, “тўнғиз”, “тулки”, “йўлбарс” каби ёввойи ҳайвон номлари иштирок этган мақолларнинг шаклланиш асослари аниқланди. Кузатишлар “айиқ” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг биологик хусусияти; “фил” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ филнинг ташқи кўриниши; “шер” лексемаси асосида

³⁶Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Совет Ўзбек Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 294.

³⁷Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан университетлар ва педагогика институтлари учун дарслик. – Тошкент: Мусиқа, 2010. – Б. 292.

³⁸Рафиев А., Ғуломова Н. Она тили ва адабиёт. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. – Тошкент, 2011. – Б. 170.

³⁹Саидова Ҳ. Жонивор номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланиши. – Бухоро: Бухоро, 2005. – Б. 20.

шаклланган мақоллар кўпроқ шернинг биологик хусусияти ҳамда табиати; “тўнғиз” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг табиати; “бўри”, “тулки”, “йўлбарс” лексемалари асосида шаклланган мақоллар кўпроқ уларнинг табиати, феъл-атвори асосида юзага келганлигини кўрсатди.

1.3. “Парранда” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар. “Парранда” ЛМГига *бургут, чумчуқ, товуқ (хўроз, жўжа), лайлак, қарга, гоз, бедана, оққуш, ўрдак, булбул, турна, мусича, куйкунак* ва ҳоказолар киради. Кузатишлар “парранда” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар кўпроқ паррандаларнинг емишига кўра юзага келганлигини кўрсатди.

1.4. “Ҳашарот” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар. “Ҳашарот” ЛМГига *ниначи, ўргимчак, ипакқурти, асалари, қорачирилдоқ, чумоли, хонқизи, чаён, кана, қўнғиз, чигиртка, суварак, паиша, чивин, бешиктерватар, капалак* ва ҳоказолар киради. Кузатишлар “ҳашарот” ЛМГи асосида шаклланган мақоллар кўпроқ уларнинг ташқи кўриниши ва ҳаёт кечириш тарзига кўра юзага келганлигини кўрсатди.

1.5. Сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвон номлари асосида шаклланган мақоллар. Кузатишлар “балиқ” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг ҳаёт тарзига кўра; “қурбақа” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг ҳаёт тарзи ва товушига кўра; “илон” лексемаси асосида шаклланган мақоллар кўпроқ унинг биологик хусусияти асосида юзага келганлигини кўрсатди.

2. Касб-кор доирасида шаклланган мақоллар қуйидаги ички турларга ажратилди ва таҳлил этилди.

2.1. Косибчилик асосида шаклланган мақоллар. *Этикдўзнинг этиги йиртиқ.* Ҳунари бор инсон борки, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш учун тинмай меҳнат қилади, ўзининг юмушини адо этишга эса вақт тополмайди. Шундайларга қарата халқимиз мажозий маънода шу мақолни кўллайди.

2.2. Дурадгорлик асосида шаклланган мақоллар. *Дурадгорлик маймуннинг иши эмас.* Ҳар бир меҳнат ўз эгаси қўлида ҳалол. Оддий бўлиб кўринган ҳар қандай машғулот, ҳунар остида ҳам машаққатли меҳнат ётади. Ушбу мақол орқали ҳар ким ўз ишини билиб қилишига урғу берилган.

2.3. Тикувчилик асосида шаклланган мақоллар. *Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар.* Йўлбошчи қайси йўлга бошласа (хоҳ у тўғри йўл бўлсин, хоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёққа қараб кетаверади. Оиланинг ҳаётида ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ⁴⁰, – деган маънода кўлланади.

2.4. Бўзчилик асосида шаклланган мақоллар. *Бўзчи белбоққа ёлчимайди.* Маълумки, ҳар бир ҳунарманд меҳнат фаолияти давомида ишлаб чиқарган буюмларининг сараларини бозорга чиқаради. Бозорда сотилмай қолган маҳсулотларни эса ташлаб юборишга кўзи қиймай, кундалик эҳтиёжи учун ишлатади. Бу ҳолат такрорланган сайин ҳунарманд ишлаб чиқарган

⁴⁰Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 150.

маҳсулотларининг яхшиларини сотиб, улардан ўз эҳтиёжи учун фойдаланолмай қолади.

2.5. Кулолчилик асосида шаклланган мақоллар: *Кулол мўндида сув ичар.* Ҳаёти давомида лойдан сопол идишлар тайёрлаб кун кечирувчи кулол яратган идишларининг энг сараларини бозорга чиқаради, ўзида эса бирор жойида нуқсони бор идишлар қолади. Ушбу ҳаётий ҳақиқат асосида шаклланган бу мақол ҳозирги кунда мажозийлик касб этган бўлиб, шу ва шу каби ҳолларда қўлланади.

2.6. Бўёқчилик асосида шаклланган мақоллар. *Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум.* Кишининг бирор-бир ишни бажара олиш ёки олмаслиги, феъли, хулқ-атвори ва ҳоказоси унинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, ўтириб-туриши кабилардан кўриниб туради.

2.7. Темирчилик асосида шаклланган мақоллар. *Игначининг минг ургани – темирчининг бир ургани.* Бу мақол бирор ишни узоқ вақт қийналиб, зўр-базўр амалга оширадиган одам билан худди шу ишни бирпасда, осонгина амалга ошириб қўядиган одамни бир-бирига таққослаганда айтилади.

2.8. Новвойлик асосида шаклланган мақоллар. *Етилмаган хамир тандирда турмас.* Мақол: “Киши ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаса, ҳаёт... турткисини, зарбасини емаса, яъни етилмаса, кундалик турмушда учрайдиган баъзи қийинчиликларга бардош бера олмайдиган бўлади. Шунинг учун болани ёшлигидан чиниқтириш, меҳнату машаққатларга ўргатиш зарур”⁴¹, – деган маънони беради.

2.9. Қассобчилик асосида шаклланган мақоллар. *Қассоб онасига ҳам суяк сотар.* Қассоблар орасида бировнинг ҳақиға хиёнат қилувчи, ноинсоф, қаллоблар ҳам бўлиб, улар савдо пайтида гўштга суяк қўшиб сотишади, тарозидан уриб қолишади. Халқимиз шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар хусусидаги фикрларини юқоридаги сингари мақолларда ифода этган.

2.10. Мусиқаччилик асосида шаклланган мақоллар. *Қирқида қўлига соз олган қиёматда қулогини бурар.* Мақолда келажагингни мукаммал куришни истасанг, ҳамма ишни ёшлиқда амалга ошир, – дейилган.

2.11. Қозиччилик асосида шаклланган мақоллар. *Қозига борсанг, қози пулингни тугиб бор.* Бирор ишқал чиқиб, ишинг қозига тушса, борганинда қозига берадиган пулни олиб бор. Шундагина қози ишингни ижобий ҳал қилади, акс ҳолда ишни пайсалга солиб, вақтни чўзади, – деган мазмунда ишлатилган. Ҳозир эса парема мажозийлик касб этган.

2.12. Табиблик асосида шаклланган мақоллар. *Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади.* Мақол бирор-бир иш амалга ошиши керак бўлса, унга ҳар қанча тўсқинлик қилинмасин, барибир ижобий якун топади, – деган маънода қўлланади.

2.13. Бахшичилик асосида шаклланган мақоллар. *Ёмон яхши бўлмас, Эшак – бахши.* Ёмон инсон ҳеч вақт яхши бўлмайди. Яхши ёмон бўлиши

⁴¹Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 108.

мумкин, аммо ёмон ёмонлигини ҳеч қачон қўймайди. Ёмон яхши бўлмаганидек, эшак тинимсиз ханграгани билан бахши бўлолмайди.

2.14. Дехқончилик асосида шаклланган мақоллар. *Кези келса, кетмон чоп.* Шу нарса равшанки, ҳаёт ҳар доим ҳам инсонга кулиб боқмайди. Баъзан унинг аччиқ томонлари ҳам бўлади. Шундай пайтларда, яъни киши мушкул аҳволда қолганида меҳнатдан орланмаслиги лозим. Чунки ишнинг яхши-ёмони бўлмайди. Ҳар қандай меҳнат инсонни чиниқтиради, ҳаётда ўз мақсадини аниқ белгилаб олишга кўмаклашади.

2.15. Боғбончилик асосида шаклланган мақоллар. *Бог ўзини тоғ айлар, Тоғ ўзини – бог.* Инсонлар ўзларида бўлмаган хислатларни бор қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади, яъни билимсиз, ахлоқсиз бўлишса ҳам билимли, ахлоқли, эзгулик тарафдори бўлиб кўринишни хуш кўришади. Халқимиз шундай кишиларга нисбатан ушбу мақолни қўллайди.

2.16. Заргарлик асосида шаклланган мақоллар. *Зар қадрини заргар билар, Чилангар нени билар?* Ҳар бир нарсанинг кадр-қимматини, оғир-енгилини, паст-баландлигини, яхши-ёмонлигини ўша нарсага бевосита алоқадор бўлган одамларгина яхши биладилар, бевосита алоқадор бўлмаган, кўрмаган, билмаган одамлар унинг қадрини ҳам, яхши-ёмонлигини ҳам, оғир-енгиллигини ҳам билмайдилар, фахмлари ҳам етмайди, дейилмоқчи⁴².

2.17. Чорвачилик асосида шаклланган мақоллар. *Чўпонга мажлис ҳаром.* Чўпон бир сония ҳам қўйларини қаровсиз қўя олмагани каби кўпчиликни бошқараётган раҳбар ҳам сал безътибор бўлса, тартиб-интизомга путур етиши мумкин, – деган маънода қўлланади.

3. Диний тушунчалар доирасида шаклланган мақоллар. Бундай мақолларнинг асослари учга бўлинди:

3.1. Диний маросимлар. *Ҳайитдан кейин арафа.* Мазкур мақол вақтидан ўтказиб, яъни кечиктириб бажарилган ишни мазах-масхара, танқид қилиш мақсадида айтилади.

3.2. Диний атамалар. *Ўттиз кун рўзанинг бир кун ҳайити бор.* Мақолда сабрнинг охири ҳамиша хайрли бўлади, – деган ғоя илгари сурилган.

3.3. Диний шахслар номи. *Эшак Маккага бориб Ҳожжи бўлмас.* Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг фақат суратигина одамга ўхшайди, сийратида эса инсонийликдан асар ҳам йўқ. Ушбу мақолда халқ ана шу тоифадаги инсонларни қораламоқда, зеро бундай кишилар кўплаб эзгу амалларни бажарсалар ҳам шайтоний иллатлардан холи бўлолмайдилар.

Ҳар учала турга кирувчи мақоллар ишда батафсил таҳлилга тортилган.

4. Уй-рўзғор тушунчалари доирасида шаклланган мақоллар. Бундай мақолларни, ўз навбатида, учга бўлиш мумкин:

4.1. Уй-рўзғор буюмлари номи асосида шаклланган мақоллар. *Кал бошга – шамшод тароқ.* Табиийки, сочи бор одам тароқдан фойдаланади. Аммо кал одамнинг тароқдан фойдаланиши, фойдаланганда ҳам шамшоддан

⁴²Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 145.

ясалган чидамли тарокдан фойдаланиши кулгили ҳолат ва бу ўша кишининг ўзига нисбатан юқори баҳо беришидан дарак беради.

4.2. Уй-рўзғор маҳсулотлари номи асосида шаклланган мақоллар. *Гўшт олишни билмайман, Ёз-ёғидан кесиб бер.* Бу мақол айёр, муғомбир одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

4.3. Аралаш, яъни уй-рўзғор буюмлари ва маҳсулотлари номи асосида шаклланган мақоллар. *Қошиқ билан ош бериб, Сопи билан кўз чиқарма.* Мақол: “Бир ишни қиламан деб, янги бир ташвишни орттирма”, – деган фикрни ифодалайди.

Учала турга кирувчи мақоллар ҳам ишда батафсил ўз изоҳини топган.

5. Вақт номлари асосида шаклланган мақоллар. Бу каби мақоллар қуйидаги турларга ажратилган:

5.1. Санок сонлардан кейин йил, ҳафта, кун каби ҳисоб сўзларини келтириш билан шаклланган мақоллар. *Қирқ йилда бир эшак ўйин.* Мақол: “Дилни хушнуд этувчи воқеалар кунда эмас, баъзида бўлиб қолади, шу ғанимат фурсатдан фойдаланиб, еб, ичиб, ўйнаб, кулиб қол”, – деган мазмунда ишлатилади.

5.2. Йил фаслларининг номи асосида шаклланган мақоллар. *Ёзи кетиб кузи қолди, қиши кетиб музи қолди.* Бир нарсадан кўпдан буён қийналиб, азоб чекаётган одамга бирор одам: “Кўп ташвиш тортаверманг, тез орада бу мушкул кунларингиз ҳам ўтиб кетар” деб тасалли берганда у одам: “Шундай деяпсиз-у, аммо ҳали батарроғи энди бўлади” ёхуд “Аҳволим борган сари баттар оғирлашяпти”, – деган маънода шу мақолни келтиради⁴³.

5.3. Бурж номлари асосида шаклланган мақоллар. *Саратон – сара экиш, қолаверса – тариқ экиш.* Мақол мажозан ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш лозим, – деган мазмунда ишлатилади.

5.4. Ҳафта кунларининг номи асосида шаклланган мақоллар. *Пайшанбанинг келиши – чоршанбадан белгили.* Киши ҳаётда яшар экан, унинг ҳаётида рўй берадиган ҳар қандай хуш ва нохуш ҳолатлар бевосита ўша инсоннинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши натижасида содир бўлади. Зеро яхшилик қилса, кўнгли тинч, кейинги куни хайрли; бирор-бир ножўй қилиқлари бўлса, албатта, бир куни унинг ҳам ажрими бўлади, дейилмоқчи.

5.5. Сутка (бир кеча-кундуз)нинг турли пайтларини атовчи номлар асосида шаклланган мақоллар. *Ойда еган тўқ бўлар, кунда еган суқ бўлар.* Баъзи инсонлар бой-бадавлат бўлса ҳам, барибир, кўзи очлигича қолади, аксинча, камсуқумгина яшайдиган кишилар ўз нафсларини жиловлай олади, дейилмоқчи.

6. Ўсимлик номлари асосида шаклланган мақоллар. Бундай мақоллар, аввало, учга ажратилди.

6.1. Дарахт номлари асосида шаклланган мақоллар. Бу каби мақоллар мевали (*шафтоли, ўрик*) ва мевасиз дарахт номлари (*терак, тол*) асосида шаклланган мақолларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди.

⁴³Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 115.

6.2. Бута номлари асосида шаклланган мақоллар. Улар ҳам мевали (*анор, ток*) ва мевасиз бута номлари (*шувоқ*) асосида шаклланган халқ мақолларига бўлиб таҳлилга тортилди.

6.3. Ўт номлари асосида шаклланган мақоллар шартли равишда тўрт гуруҳга: 1) умумий “экин” лексемаси асосида шаклланган мақоллар; 2) полиз экинлари номи асосида шаклланган мақоллар. 3) сабзаёт номлари асосида шаклланган мақоллар; 4) бошоқли ўт номлари асосида шаклланган мақоллар; 5) “тикан” ва “янтоқ” лексемалари асосида шаклланган мақоллар каби турларга бўлиб, таҳлил қилинди.

7. Ўзбек халқи турмуши воқелиги асосида шаклланган мақоллар. Ҳар бир халқ, миллатнинг ўз ҳаёти бўлганидек, ўзбекларнинг ҳам ўзига хос ва мос яшаш тарзи мавжуд бўлиб, бир қатор мақоллар шу асосда вужудга келган. Бу сирага кирувчи мақолларни қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ:

7.1. Кундалик ҳаёт тарзи асосида шаклланган мақоллар.

1) меҳмондорчилик: *Айтилмаган қўноқ – йўнилмаган таёқ*. Йўнилмаган таёқ ундан фойдаланган вақтда ноқулайлик туғдиргани каби таклиф қилинмаган меҳмон ҳам мезбонни саросимага солиб қўяди;

2) қўшничилик: *Ён қўшим – жон қўшим*. Узоқдаги қариндошдан кўра яқинидаги қўшни сенга кўпроқ ва тезроқ асқотади. Бу турга кирувчи мақоллар ҳам диссертацияда батафсил ўз изоҳини топган.

7.2. Инсон аъзолари, кийими, зеб-зийнати, ташқи кўриниши, хусусиятлари асосида шаклланган мақоллар. 1. Инсон аъзолари:

дил, тил: *Дилда бўлса, тилга келар*. Инсоннинг айтадиган ҳар бир сўзи дилда бўлгани учун тилда реаллашади. Демак, дил пок бўлса, тил пок ёки, аксинча, бўлади;

2. Кийим: *Ёқаси қолса ҳам – беқасам*. Мансаб-лавозимдан кетган бўлса ҳам ҳамон калондимоғлигини ташламай, керилиб юривчи кишиларга нисбатан киноя тарзида ишлатилади.

3. Зеб-зийнат: *Тешик мунчоқ ерда қолмас*. Одатда, бўйи етган қизларга ҳадеганда совчи келавермаганда шу мақол билан тасалли беришади.

4. Ташқи кўриниш: *Пакана фитна бўлур, новча – аҳмоқ*. Халқда пакана инсонлар гапдон, пишиқ, пухта; новча кишилар эса содда, гўл, ишонувчан бўлиши ҳақида фикрлар мавжуд бўлиб, мақол шу асосда шаклланган.

5. Характер-хусусият:

1) тентаклик: *Аҳмоққа Қува бир тош. Аҳмоққа Тўйтена бир қадам*. Аҳмоқ одамга манзилнинг узоқ-яқини бўлмайди. У ўзининг аҳмоқона сўзлари ва хатти-ҳаракатларини қилаверади.

2) қайсарлик: *Кўр тутганини қўймас, кар – эшитганини*. Бу мақолни қачонлардир, кимдандир чала-чулпа эшитган бир гапига асосланиб, шуни (гарчи нотўғри бўлса ҳам) ҳаммага маъқуллаб юривчи, эътироз билдирсалар – уриб-енгувчи одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар⁴⁴.

⁴⁴Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 232.

Тадқиқотда бу тур мақоллар ҳам батафсил изоҳланган.

8. Табиат ҳодисалари номи асосида шаклланган мақоллар.

8.1. “Шабнам” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Булутли кеча шабнамсиз бўлур.* Ҳаво дим бўлиб, сув томчилари булутга айлангач, энди шабнамдан умид қилиб бўлмаганидек, юракка таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, воқеа-ҳодиса, ҳолат эзгуликка, яхшиликка олиб келмайди.

8.2. “Туман” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Туманда бурган санаб бўлмас.* Мазкур мақол билан ҳали ноаниқ, туманли, ғойибона, “узун кулоқ” гапларга кўра иш кўриш, бир хулосага келиш керак эмас, – деган маънода насихат қилинади.

8.3. “Қиров” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Қишининг уни қирқ турли, Қирови ҳам қилиқли.* Қиш кунлари ҳар турли: гоҳ совуқ, гоҳ қорли, гоҳ ёмғирли бўлгани каби қишининг қирови ҳам ўзидан кейин совуқ ҳавони олиб келади. Қиш қирови ўсимликларга ва ернинг сифатига салбий таъсир кўрсатади. Мақол шундай табиатли кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

8.4. “Булут” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Ёмғирсиз булутдан не фойда.* Ёмғирсиз булутдан на табиатга, на деҳқонга ҳеч қандай наф бўлмагани сингари бепарво, лоқайд, текинхўр кишиларнинг ҳам жамият учун фойдаси йўқдир.

8.5. “Қор” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Қор ёғди – излар босилди.* Мақол: “Инсон ўтмишда қандайдир қора ишлар, ёмонликлар, тубанликлар қилган бўлса, вақт ўтиши билан булар аста-секин унутила боради”, – деган маънода қўлланади.

8.6. “Ёмғир” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Ёмғир ўзин сел санар, кўлмак ўзин – кўл.* Ўзига юқори баҳо берувчи кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

8.7. “Жала” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Жала томчидан бошланади:* 1-маъно: энг буюк мақсадлар ҳам кичик ишлардан бошланади. 2-маъно: майда ўғрилиқ, қаллоблиқ, алдамчилик ва ҳоказоларга вақтида эътибор қилиниб, олди олинмаса, бора-бора катта жиноятларга олиб келиши мумкин.

8.8. “Сел” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Сердарахт қишлоқни сел олмас.* Мақол: “Инсоннинг яқинлари, ёру биродарлари, дўсту оғайнилари қанчалик кўп бўлса, ҳаётдаги қийинчиликлар, синовлар унга қор қилмайди”, – деган маънода қўлланади.

8.9. “Шамол” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Шамол кемадагиларнинг хоҳишига қараб эмас.* Табиат инжиқ. У инсон хоҳиши билан эмас, балки ўз йўналиши, Аллоҳнинг амри билан ўзгаргани каби инсон тақдири ҳам яратганнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади.

8.10. “Бўрон” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. Бўрон – тўзон ёки қор-ёмғир аралаш шиддатли шамол [207, 165] бўлиб, қуйидаги каби мақол ва мақол-матал типдаги паремаларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлган: *Халқ нуфласа, бўрон бўлар, Халқ тепинса – зилзила.*

8.11. “Довул” ва “зилзила” лексемалари асосида шаклланган мақоллар. *Халқ нуфласа – довул, Ер тепинса зилзила бўлур.* Агар кўпчилик бирлашса, қудратли кучга айланади, натижада унга тўсқинлик қилувчи ғовлар ўз-ўзидан қулайди, барбод бўлади.

8.12. “Муз” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Апрель келса муз турмас, Қуда келса қиз турмас.* Мақол мажозан сабаб-оқибат натижаларини ифодалаш учун қўлланади.

8.13. “Момақалдиروق” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Тегирмонда тугилган сичқон момақалдиروقдан қўрқмас.* 1-маъно: кўриб-кўриб кўзи қотган киши ёмонроқ ишлардан ҳам тап тортмайди. 2-маъно: жуда катта қийинчиликларни бошидан ўтказган одам ўткинчи азобларга чидамли, бардошли бўлади, бўлар-бўлмасга бетоқатлик қилавермайди.

8.14. “Дўл” лексемаси асосида шаклланган мақоллар. *Айрилган йўлда қолар, Бўлинган – дўлда.* Якка-ёлғиз яшаш, кўпчиликдан ажралиш ҳамма вақт ёмон оқибатларга олиб келади, – деган маънода қўлланади.

8.15. Ойнинг чиқиши, тўлиши, кўриниши асосида шаклланган мақоллар. *Ойда ҳам доғ бор.* Тун қоронғусини ёритиб турадиган шундай ёруғ, тиник, чароғон Ойнинг ҳам бетида доғи бўлгани сингари яхши деб ҳисобланган, ном олган, тан олинган ҳар қандай кимсанинг ва нарсанинг ҳам бирор жузъий камчилиги, нуқсони, айби бўлади, бўлмаслиги мумкин эмас, чунки табиий ва ижтимоий қонуниятларнинг ўзи шуни тақозо этади⁴⁵.

8.16. Ҳароратни ифодаловчи лексемалар асосида шаклланган мақоллар. *Илиб-илиб ёз бўлар, Совиб-совиб қиш бўлар.* Кишилар ўртасидаги муносабатлар ширинсўзлик, хушмуомалалик натижасида тобора яхшиланиб, мустаҳкамланиб борса; қўполлик, қўрс гапириш, ичи қоралик, ҳасадгўйлик ўзаро муносабатларнинг совиб, ёмонлашиб кетишига олиб келади.

Тўртинчи боб “**Ўзбек халқ мақолларида фаол ҳайвон номларининг ижтимоий шартланган маънолари**” деб номланган бўлиб, даставвал, ҳайвон номларидаги нутқий маънолар таҳлил қилинган.

1. Ҳайвон номларида нутқий маънолар. Ўзбеклар томонидан ҳайвон номларининг ишлатилишида қуйидаги ўзига хосликларни кузатиш мумкин:

1. Фан атамаси сифатида қўлланиш. Бундай қўлланишда ҳайвон номлари зоологик терминлар сифатида намоён бўлади, асосан, денотатни ифодалайди, маъно нозикликларига эга бўлмайди.

2. Ономастик қўлланиш. Бундай ҳолларда ҳайвон номлари киши исмлари (Бўрибой, Итолмас), ҳайвон (Йўлбарс, Қоплон) ва жой (Бўритепа, Юмронқўл) номлари каби атоқли отлар сифатида қўлланади.

3. Бадиий қўлланиш. Бундай қўлланишда ҳайвон номлари бадиий адабиётда аташ, номлаш ва тасвирлаш каби вазифаларда ишлатилади.

4. Ҳайвон номлари мақол ва матал таркибида қўлланилиб, ўхшатиш даражасини кучайтиради: *Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.*

⁴⁵Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. – Б. 288.

5. Сўзларда ишлатилиб, белги-хусусиятни кўрсатиб, бир сўз маъносининг таркибий қисми сифатида қўлланилади: *шерандом бўйли қиличбознинг (Ҳ.Бойқаронинг) бир вақтлар баҳодирона жуссаси жуда заифлашган эди (Ойбек)*⁴⁶ [38, 22].

Биз бу ўринда юқорида келтирилган кўчма қўлланишларнинг тўртинчи ҳолати ҳақида фикр юритамиз.

2. “Ит” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Ишда “ит” ЛМГининг мақолларда ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 8 та: “вафодорлик”; “тоза-озодалик”; “ориятлилик”; “муросасозлик”; “суйиш”, “ардоқлаш”; “шукроналик”; “хайр-барака”; “чаққонлик” каби семаларни; мўътадил характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 6 та: “умидворлик”; “одатни тарк этиш”; “алоқадорлик”; “ҳаракатчанлик”; “хайиқиш”; “беътиборлик” семаларини; салбий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 32 та: “вафосизлик”; “очкўзлик”; “безбетлик”; “бефаросатлик”; “жирканиш”, “нафратланиш”; “ҳаромлик”; “лаганбардорлик”; “беътиборлик”, “беписандлик”; “зарарқунандалик”; “пасткашлик”; “тарбиясизлик”; “инсофсизлик”; “калондимоғлик”; “тамагирлик”; “мос келиш”; “порахўрлик”; “одобсизлик”; “ориятсизлик”; “келишолмаслик”; “тузалмаслик”; “писмиқлик”; “эринчоклик”; “қадрсизлик”; “номардлик”; “кўрқоқлик”; “чиқишолмаслик”, “кўролмаслик”; “саёқлик”; “маҳмадоналик”; “жанжалкашлик”; “қизғанчиқлик”, “бахиллик”; “орқа қилиш”; “кўролмаслик” каби семаларни ифодалаши мисоллар асосида ёритиб берилган.

3. “От” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. “От” ЛМГининг халқ мақолларида ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 11 та: “вафодорлик”; “меҳрибонлик”, “рахмдиллик”; “хайр-барака”, “ризқ-насиба”; “меҳнаткашлик”; “хушмуомалалик”; “ҳурмат-эътибор”; “қадр-қиммат”; “сабр-тоқат”; “эҳтиёткорлик”; “фахр-ифтихор”; “тадбиркорлик”, “ишбилармонлик”; мўътадил характер-хусусиятни белгиловчи восита сифатида 3 та: “имконсизлик”; “ноиложлик”; “кучсизлик”; салбий характер-хусусиятни белгиловчи восита сифатида 11 та: “бевафолик”; “калтабинлик”; “очкўзлик”; “жоҳиллик”; “дангасалик”; “бефаросатлик”; “маҳмадоналик”; “сабрсизлик”, “бетоқатлик”; “зикналик”; “оғзи бўшлик”; “ёлғизликнинг зарарлилиги” каби семаларни ифодалаши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

4. “Қорамол” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “қорамол” ЛМГининг “тўкин-сочинлик”; “ҳурмат-эътибор”; “ишбилармонлик”, “уддабуронлик” каби 4 та ижобий маъно оттенкаларини; “умидворлик”; “алоқадорлик”; “имконсизлик”, “иложсизлик” сингари 4 та мўътадил маъно оттенкаларини; “эркалик”; “очкўзлик”; “қизғанчиқлик”; “лаганбардорлик”; “бадфеъллик”;

⁴⁶Саидова Ҳ. Жонивор номларининг шахс тавсифи вазифасида қўлланиши. – Бухоро: Бухоро, 2005. – Б. 22.

“жоҳиллик”; “эринчоқлик”, “дангасалик”; “уришқоқлик”; “қаноатсизлик”; “ахлоқсизлик”; “мақтанчоқлик”; “текинтомоқлик” каби 12 та салбий маъно оттенкаларини ифодалаши мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

5. “Туя” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “туя” ЛМГи “меҳрибонлик”; “хушмуомалалик”; “ғанيماتлик”; “камтарлик”; “чидамлилиқ”, “сабрлилиқ”; “мағрурлик”; “узоқни кўра олиш”; “фахрланиш”; “пухталиқ” каби 9 та ижобий характер-хусусиятни; “ночорлик”, “иложсизлик”; “мададкорлик”; “манфаатдорлик” каби 4 та мўтадил характер-хусусиятни; “очкўзлик”; “эгрилик”; “гердайиш”; “тамагирлик”; “бефаросатлик”; “кўполлик”, “бесўнақайлик”; “шошқалоқлик”, “сабрсизлик”; “мақтанчоқлик” каби 8 та салбий характер-хусусиятни ифодалаши мисоллар ёрдамида асосланган.

6. “Кўй” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Ўзбек халқ мақолларида “кўй” ЛМГининг ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 10 та: “бойлик манбаи”; “сабр-тоқат”, “чидамлилиқ”; “тез улғаювчанлик”; “маҳсулот манбаи”; “истеъмол манбаи”; “хайр-барақа”; “обрўлилиқ”, “қадр-қиммат”; “куч-қудрат”, “улуғворлик”; “ювошлиқ”; “неқ ният”; мўтадил характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 6 та: “алоқадорлик”; “кўнувчанлик”; “узоқ масофани босишлиқ”; “итоаткорлик”, “эргашувчанлик”; “майдалиқ”; “доимий назоратда бўлишлиқ”; салбий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 5 та: “ожизлик”, “заифлик”; “иллатларга тезчалинувчанлик”; “бетартиблиқ”, “бебошлиқ”; “бефаросатлик”; “очкўзлик” каби семаларни ифодалаши мисолларда намоён бўлди.

7. “Эчки” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “эчки” ЛМГининг ижобий характер-хусусият ифодаловчи семалари 3 та: “меҳнаткашлиқ”; “хайр-барақа”, “шукроналик”; мўтадил характер-хусусият ифодаловчи семалари ҳам 3 та: “азият чекиш”; “ҳар кимнинг ўз хатоси учун ўзи жавобгар бўлиши”; “эсга олиш”; салбий характер-хусусият ифодаловчи семалари 11 та: “айёрлик”; “калондимоғлик”; “камситиш”; “мақтанчоқлик”; “ориятсизлик”; “нонқўрлик”; “панд бериш”; “уддасидан чиқмаслик”; “эркалиқ”; “инжиқлик”; “ифлослик”, “зараркунандалик” кабилардир. Бу семалар тадқиқотда келтирилган мисолларда ўз тасдиғини топган.

8. “Эшак” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “эшак” ЛМГининг ижобий характер-хусусият ифодаловчи семалари 2 та: “меҳнаткашлиқ”; “қадр-қиммат”; салбий характер-хусусият ифодаловчи семалари 8 та: “калтабинлик”; “ифлослик”; “дангасалиқ”; “беписандлик”, “камситиш”, “ерга уриш”; “ёмонлик”; “такаббурлик”; “беҳаёлик”; “текинтомоқлик” семаларидир. Бу семалар ҳам мисолларда асосланган.

9. “Парранда” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “парранда” ЛМГи ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 7 та: “ориятлиқ”; “орзу-ҳавас”; “тежамкорлик”; “қадрлаш”; “ҳамжиҳатлик”; “сабр-тоқат”; “меҳрибонлик”;

мўътадил характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 4 та: “адашиш”; “алоқадорлик”; “омадсизлик”; “имконсизлик”; салбий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 16 та: “эринчоқлик”; “шошқалоқлик”; “бетга чопарлик”; “хурматсизлик”; “сергаплик”; “мақтанчоқлик”; “пасткашлик”; “ноуддабуролик”; “очкўзлик”; “бетоқатлилилик”; “жирканиш”; “беҳурматлик”; “калтабинлик”; “кадрламаслик”; “ноаҳиллик”; “манфаатдорлик”; “баднафслик”; “беписандлик” каби семаларни ифодалаши мисоллар ёрдамида далилланган.

10. “Ҳашарот” ЛМГи асосида шаклланган мақолларнинг ижтимоий шартланган маънолари. Мақолларда “ҳашарот” ЛМГи ижобий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 3 та: “меҳнаткашлик”; “аҳиллик”; “хушёрлик”; мўътадил характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 5 та: “азият чекиш”; “мақсадга эришолмаслик”; “кичиклик”; “яшаш учун кураш”; “алоқадорлик”; салбий характер-хусусиятни белгиловчи омил сифатида 6 та: “зарарқунандалик”; “кўрқоқлик”; “беписандлик”; “хирапашшалик”; “маҳмадоналик”; “ҳаддини билмаслик” каби семаларда реаллашиши мисоллар ёрдамида асосланган.

ХУЛОСА

1. Фразеология доирасини тор маънода тушуниш ўринли бўлиб, мақол билан ибора фақат бир нуқтада умумийликка эга. Яъни мақол ҳам, ибора ҳам идиома саналади. Аммо бу ўхшашлик улардаги бошқа фарқли жиҳатларни инкор этмайди, чунончи, мақол ўткир кузатувчанлик асосида вужудга келган фикрларнинг хулосаси ҳисобланади, фразеологизм эса тайёр сўз тизмаларининг кўчма маъно ифодалаши ва шу ҳолатда турғун сўз боғланмасига айланишидир. Мақоллар камида битта гапга тенг келиб, ҳукм ифодалайди; ибора эса гапда атамалик хусусиятига эга бўлиб, лексик тушунча англатади. Мақолда идиомалашув кўчма маънонинг кенгайиши, иборада эса кўчма маънонинг торайиши натижасида рўй беради.

2. Мақолнинг маталдан асосий фарқи мақолнинг кўчма маънога эга эканлиги ва маталнинг бу хусусиятга эга бўлмай, фақатгина тўғри маънода қўлланишида кўринади. Ҳозирга қадар ўзбек адабиётида мақоллар семантик жиҳатдан учга бўлиб ўрганиб келинмоқда. Бизнингча, мақоллар фақатгина кўчма маънода ишлатилувчи халқ ҳикматлари бўлганлиги боис уларни семантик жиҳатдан турларга бўлиш ўзини оқламайди.

3. Мақолнинг идиома, ибора, матал билан ўхшаш ва фарқли хусусиятларини ўрганиб, унинг лисон/нутқ бўлинишидаги ўрни масаласида тўхталиш мумкин. Синтактик жиҳатдан бўлинувчан, ҳосилавий бўлган мақол маъновий жиҳатида кўра тайёр ва бўлинмасдир. Шунинг учун мақоллар лексемалар сингари асрлардан асрларга шакл ва маъносини сақлаган ҳолда ўтиб келади, уларни луғатларга тўплаш имконияти мавжуд. Мақол синтактик қурилиши жиҳатидан нутқий ҳосила моҳиятига эга бўлгани ҳолда, маъно жиҳатидан лисоний бирлик табиатига эга. Мақол лисон/нутқ зидланишида оралик учинчи бирлик мавқеида туради. Тилда мақол ҳам, ибора ҳам, идиоматик

сўзлар ҳам семантик жиҳатдан битта умумийлик асосида бирлашади, бу ҳам бўлса, барчасининг идиома характериға эға бўлишидир. Шундай экан, бу бирликларнинг барчаси бир ўринда мукамал ўрганилиши учун “Фразеология” бўлими “Идиоматика” деб номланиши мақсадға мувофиқдир.

4. Иборалар асосида мақолларнинг шаклланиши ибораға хос номинативликнинг предикативликка ўтиши натижасида юз беради. Ибора аташ хусусиятини йўқотиб, ҳикмат ифодалаш учун хосланади. Аммо тилда уларнинг ҳар икки шакли, яъни иборалик ҳолати ҳам, мақоллик кўриниши ҳам параллел яшайверади.

5. Фольклор жанрларидан мақол ҳосил бўлишининг энг сермахсул тури маталлар асосида мақолларнинг пайдо бўлишидир. Бунда ўз маъносида қўлланадиган парема кўчма маъно касб этиб мақолға айланади. Маталнинг кўчма маъно касб этиши таркибидаги баъзи сўзларнинг аста-секин эскириб, муомала-муносабатдан чиқиши, ўз маънонинг унутилиши; маталнинг шаклланишиға асос бўлган воқеа-ҳодисанинг йўқолиши натижасида образнинг унутилиши туфайли юз беради.

6. Ривоятлар заминида шаклланган мақолларнинг тарихий асоси ҳаётда рўй берган қандайдир тарихий воқеалар ҳисобланади. Улар заминида аниқ тарихий илдиз мавжуд бўлади. Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя ҳисобланувчи латифалар ҳикмат касб этиб мақолға айланади. Турли мифологик, диний ҳодисалар, географик жойлар номи, табиат ҳодисалари, айрим тарихий шахс ва воқеаларға алоқадор ғаройиб талқинлардан ташкил топган афсоналар ҳам мақол пайдо бўлишининг манбаларидан бири ҳисобланади. Топишмоқларда инсонни ўраб олган нарса, воқеа ҳамда ҳодисалар ҳақида кўчма маънода сўз юритилиб, жумбоқ яратилади. Жумбоқнинг ҳикмат касб этиши эса мақолнинг яратилишиға асос бўлади.

7. Ўзбек халқининг ижтимоий ҳаётида турли воқеа-ҳодисалар асосида юзаға келган эътиқодий тушунчалар идиомалашгач, яъни умумий кўчма маъно касб этгач, мақолға ўтади.

8. Аждодларимиз ҳаётидаги турли хил одат, ҳаёт тарзи, ўйинлар бир қатор мақолларнинг шаклланишиға асос бўлиб хизмат қилган. Яъни ўз маъносида қўлланилувчи урф-одат ва ўйинлар аста-секинлик билан умумийлик касб этиб, аниқликдан мавҳумликка ўтган ва кўчма маъно ифодалашға хосланган.

9. Жамятда инсонларнинг турмуш тарзига, хулқ-атвориға, дунёқарашиға хос бўлган хатти-ҳаракатлар мақолларда ҳайвонлар образи, турли хил касб-кор, уй-рўзғор, диний тушунчалар; вақт ва ўсимлик номлари; ўзбек халқи турмуши воқелиги ҳамда табиат ҳодисалари номи каби экстралингвистик омилар орқали ҳам гавдалантирилади.

10. Диний тушунчалар доирасида шаклланган мақолларнинг асосини диний маросим, диний атама ва диний шахс номлари; уй-рўзғор тушунчалари доирасида шаклланган мақолларнинг асосини уй-рўзғор буюмлари ва маҳсулотлари номи; вақт номлари асосида шаклланган мақолларнинг асосини вақтни ифодаловчи кун, ҳафта, ой, йил, бурж, фасл номлари ташкил этади.

11. Ўсимлик номлари асосида шаклланган мақоллар мевали дарахтларда мевасининг таъми, фойдалилиги, уларни териб, йиғиб олиш билан боғлиқ машаққатли меҳнати ва ҳоказоларга; мевасиз дарахтларда эса уларнинг ташқи кўриниши, чидамлилиқ даражаси кабиларга асосланади. Умумий “дарахт” лексемаси асосида шаклланган мақолларда бўлса, дарахтнинг, асосан, ўсимлик жиҳатида диққат қаратилади. Бута номлари асосида шаклланган мақоллар миқдор жиҳатдан анча кам бўлиб, бундай мақолларнинг шаклланишига, асосан, буталарнинг ўсиш ўрни, меваси, аҳамиятлилик даражаси кабилар асос бўлиб хизмат қилган. Умумий экин номи асосида шаклланган мақолларда, асосан, экиннинг экилиш вақти билан боғлиқ ҳолатлар, уларга об-ҳаво, зарарли ҳашаротларнинг таъсири каби хусусиятлар инобатга олинса; сабзавот, бошоқли ўт номлари асосида шаклланган мақолларда уларнинг инсон организми учун аҳамиятлилик ва зарарлилиқ даражаси, ҳар бир экиннинг ўзига хос биологик хусусияти асос вазифасини ўтаган.

12. Ўзбек халқ мақолларида ҳайвон номлари кўпроқ кишиларнинг салбий характер-хусусиятларини ифодалашга хосланган. “Очкўзлик” семаси 6 та: ит, от, қорамол, туя, кўй, парранда; “беписандлик” семаси 4 та: ит, эшак, парранда, ҳашарот; “зараркунандалик” семаси 4 та: ит, от, эчки, ҳашарот; “мақтанчоқлик” семаси 4 та: қорамол, туя, эчки, парранда; “дангасалик” семаси 4 та: ит, от, қорамол, эшак; “эринчоқлик” семаси 3 та: ит, қорамол, парранда; “калтабинлик” семаси 3 та: от, эшак, парранда; “бефаросатлик” семаси 3 та: ит, от, туя ЛМГларида кўпроқ реаллашган.

13. Ўзбек халқ мақолларида ҳайвон номларининг кишилар ижобий характер-хусусиятларини ифодалашни қуйидагича: “хайр-барақа” семаси 4 та: ит, от, кўй, эчки; “меҳнаткашлик” семаси 4 та: от, эшак, эчки, ҳашарот; “сабрлилиқ” семаси 3 та: от, туя, парранда ЛМГиларида намоён бўлади.

14. Алоҳида ҳайвонлар мисолида олганда эса салбий хусусиятларни энг кўп ифодаловчи ЛМГ “ит” бўлиб, 32 та семада реаллашган; 2-ўринда “парранда” ЛМГи 16 та семани ифодалашга хосланган; 3-ўринда “қорамол” ЛМГи 14 та семада намоён бўлган.

15. Мақолларда ҳайвон номларининг ижобийлик ва салбийликни ифодалашини нисбатлар кесимида олганда “ит” ЛМГида 8/32, “от” ЛМГида 11/11, “қорамол” ЛМГида 4/12, “туя” ЛМГида 10/8, “кўй” ЛМГида 10/5, “эчки” ЛМГида 3/11, “эшак” ЛМГида 2/8, “парранда” ЛМГида 7/16, “ҳашарот” ЛМГида 3/6 нисбатни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.ФЦ.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУРАЕВА БИБИШ МУХСИНОВНА

**ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ И ПРАГМАТИЧЕСКИЕ
СВОЙСТВА ФОРМИРОВАНИЯ УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ
ПОСЛОВИЦ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора филологических наук (DSc)**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2019.2.DSc/Fil127 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Ученого совета www.samdu.uz и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz)

Научный консультант:	Маматов Абдуғафур Эшонкулович доктор филологических наук
Официальные оппоненты:	Элтазаров Жўлибой Данабоевич доктор филологических наук, профессор Дадабоев Хамидулла Арипович доктор филологических наук, профессор Искандарова Шарифа Мадалиевна доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт узбекского языка, литературы и фольклора

Защита диссертации состоится “ ” _____ 2020 года в “ ” часов на собрании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil. по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете, (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector@samdu.uz. Самаркандский государственный университет, главный учебный корпус, аудитория №105

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан “ ” _____ 2019 года
(Протокол реестра № _____ от “ ” _____ 2019 года).

М.К.Мухиддинов,
Председатель Научного совета по
присуждению научных степеней,
д. ф. н., проф.

А.Б.Пардаев,
Секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней, д. ф. н.

А.Э.Маматов,
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
научных степеней, д. ф. н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом языкознании уделяется особое внимание языковому статусу пословиц, источникам их формирования, раскрытию их этимологии, демонстрации связанности пословиц с жизнью, мировоззрением, традициями и обычаями определенного народа, обобщению научно-теоретических взглядов в этой области. На сегодняшний день исследование когнитивных, психологических, лингвокультурных, лингвопрагматических аспектах таких единиц, изучение их структурно-семантических, художественно-эстетических сторон сохраняют актуальность проводимых исследований.

В мировом языкознании осуществлен ряд исследований посвященных различным аспектам фразеологических и паремиологических единиц. В частности, изучены структурно-семантические, лингвокультурологические и когнитивные особенности, отношения пословиц и идиомой, выражением, афоризмами и поговорками, языковой статус, диахронное и синхронное положение пословиц и их речевое проявление. Тем не менее, некоторые аспекты пословиц, формирующиеся на основе интралингвистических и экстралингвистических факторов требуют своего исследования. С этой точки зрения внесение ясности в вопрос отношения пословиц к паремиологическим и устойчивым единицам, раскрытие лингвистических основ появления пословиц и их коммуникативно-прагматических особенностей считаются актуальными проблемами современного языкознания.

В последние годы в узбекском языкознании, то есть в период возрождения национальных ценностей от говорящего требуется глубокое усвоение языка, в частности узбекского языка имеющего статус государственного; лаконичное, обоснованное, образное и эффективное выражение мысли. Поэты, писатели и ораторы независимо от возраста если хотят обосновать или укрепить мысль, то обязательно обращаются к пословицам. Выраженную мысль или ответ при помощи пословицы ни одно другое средство языка не может заменить или обосновать так как делает это пословица. Однако на сегодняшний день в узбекском языкознании языковой статус пословиц, источники их возникновения, интралингвистические и экстралингвистические факторы формирования никогда не становились объектом отдельного исследования.

Если учитывать, что “Повышение научного потенциала высших учебных заведений, расширение масштаба подготовки научно-педагогических кадров являются одним из важных задач”⁴⁷, то данный подход еще раз доказывает актуальность и важность исследований относительно пословиц в настоящее время.

Данная диссертация окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию

⁴⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. – Б. 3.

Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по совершенствованию деятельности, организации, выполнения и финансирования научно-исследовательских работ Академии наук», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широко масштабных реформах», Обращении Президента к Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4479 от 4 октября 2019 года о широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» и других нормативно-правовых документах, играющих важную роль в политической и духовной жизни нашего государства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Формирования и пути реализации системы инновационных идей духовно-просветительского, культурного, экономического, правового, социального развитие информатизированного общества и демократического государства» развития науки и технологий республики.

Комментарии международных научных исследований по теме диссертации. Научные исследования по изучению пословиц и выражений проводятся в таких ведущих центрах и высших учебных заведениях мира как University of Oxford (Великобритания), Grasefield University, Universitat Trier (Германия), University of Verona (Италия), Indiana University, University of California (АКШ), University of Santiago (Чили), La Sierra University (Бразилия), The University of Sydney (Австралия), Finish Academy of Science (Финляндия), Universitas Tartuensis (Эстония), Czech Academy of Sciences (Чехия), European Phraseological Societu, Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Московский государственный лингвистический университет, Московский институт лингвистики (Россия).

В мировом языкознании в исследовании тех или иных аспектов использования пословиц достигнуты следующие научные результаты: раскрыты структурно-семантические аспекты пословиц и выражений (Оксфордский университет, Великобритания; Финляндская Академия наук); освещены художественно-эстетические задачи (Эстонская академия наук, Эстония; Саарландский университет, Германия; Санкт-Петербургский институт Восточных рукописей, Новгородский государственный педагогический институт, Россия); проанализированы интернациональные и национальные своеобразия пословиц и поговорок (Грайсфальдский университет имени Эрнста Мориц Арндта, Германия; Московский государственный университет, Институт русского языка при академии наук России, Санкт-Петербургский государственный университет, Российский

университет дружбы народов, Россия; Казахстанский университет, Казахстан); обоснованы ментальные особенности пословиц и поговорок (университет Индианы, университет Вермонта, Калифорнийский университет, США); изучены лингвопрагматические стороны парем (институт филологии, журналистики и межкультурного общения, Белградский государственный национальный исследовательский университет, Международный литературный институт имени М.Горького Академии наук России, Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Институт научных данных по социальным наукам Академии наук России, Россия); трактованы взгляды относительно когнитивных особенностей пословиц (Казанский государственный университет, Белградский государственный университет, Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Россия); проведены исследования посвященные лингвокультурологическим аспектам пословиц (университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН Республики Узбекистан).

В зарубежном языкознании проводятся исследования по следующим основным направлениям изучения своеобразия пословиц: выявление диахронного и синхронного положения пословиц и их проявления в речи исследование пословиц в лингвокультурологическом, лингвопрагматическом и когнитивном аспектах; сравнительно-типологическое исследование пословиц на фоне нескольких языков; исследование пословиц в психологическом аспекте; классификация пословиц в дидактических и методических целях.

Степень изученности проблемы. Изучение пословиц в науке в качестве объекта устного народного творчества, этнографии и языкознания, в контексте системы идиома-выражение-пословица имеет давнюю историю. В ходе проведенных исследований в языкознании достигнуты определенные результаты⁴⁸, при котором пословица в основном рассмотрена в качестве

⁴⁸Воробьев П.Г. Пословицы и поговорки в художественном творчестве и письмах А.С.Пушкина // Русский язык в школе, – Москва, 1949. №4. – С. 18–22; Ефимов А.И. Фразеологический состав повести Карамзина «Наталья, боярская дочь». Материалы и исследования по истории русского литературного языка. Т. I, – Москва, 1949. – С. 69–95; Фразеологический анализ художественного произведения. «О языке художественных произведений». – Москва, 1954. – С. 181–216. Язык сатиры Салтыкова-Щедрина. – Москва: МГУ, 1957; Бинович Л. О многозначности идиом // Иностранные языки в школе. – Москва, 1952. №5. – С. 27–32; Базыленко А.М. Устойчивые словосочетания в языке Якуба Колоса. – Минск, 1952. – 28 с.; Рыбникова М. Разговорная фразеология в языке Маяковского. Сборник «Творчество Маяковского» – Москва, 1952. – С. 437–479; Булаховский Л.А. Идиомы и фразеологические единицы. «Введение в языкознание», часть II. – Москва, 1953. – С. 32–35; Кунин А. О фразеологических сращениях в современном английском языке // Иностранные языки в школе. – Москва, 1953. №3. – С. 28–31; Ахатов Г.Х. Фразеологические выражения в татарском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Казан, 1954. – 22 с.; Реформатский А.А. Лексикализация, идиоматика, фразеология. «Введение в языкознание». – Москва, 1955. – С. 90–97; Ожёгов С.И. О структуре фразеологии. Лексикографический сборник. Вып. II. – Москва, 1957. – С. 31; Ткаченко В.П. Вопрос о пословицах как материале фразеологии. Уч. зап. Саратовс. гос. пед. инс. Вып. XXX, 1958. – С. 123–127; Гаврин С.Г. К вопросу об отличии пословицы от поговорки в совр. русс. лит-ном языке. Уч. зап. Пермского госпединститута. Вып. 17. 1958. – С. 42; Карриев Б.М. Туркменские пословицы и поговорки. – Ашхабад: Наука, 1961. – 162 с.; Сарсенбаев Р. Лексико-стилистические особенности казахских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1961. – 24 с.

устойчивого сочетания, точнее начала изучаться в составе выражения. Также объект фразеологизма стал рассматриваться как в широком, так и в узком значении. В узбекском языкознании проведен ряд научных исследований относительно изучения выражений, идиом, пословиц и поговорок в качестве объекта фразеологизмов⁴⁹, в частности в изысканиях посвященные языку и стилю произведений узбекских поэтов и писателей, во множествах кандидатских и докторских диссертаций уделено большое внимание изучению смысловых и стилистических особенностей пословиц⁵⁰.

Также начато научное изучение лингвистических особенностей пословиц⁵¹. Синтаксические особенности пословиц рассмотрены в кандидатской работе известного лингвиста Х.Абдурахмонова. Ученый продолжив свои научные изыскания подробно изучил синтаксические особенности языка произведений устного народного творчества. В последующих работа автора широко освещены вопросы синтаксического строения пословиц и поговорок, основные проявления предложений и словосочетаний в пословицах, их морфологические, синтаксические и некоторые стилистико-смысловые своеобразия. В работе М.Садриддиновой исследованы словарные особенности узбекских пословиц и поговорок. В частности, сравнительно исследованы с одной стороны во связи с лексической

⁴⁹Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 18 с.; Саломов Ф. Бадий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари: Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1964. – 124 б.; Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. – 384 б.; Рузикулова М. Идиоматика узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1966. – С. 22; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 24 с.; Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 274 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 1993. – 50 б.

